| | | |
|---|---|---|
| **"Келишилган"**<br>**"___"_____2025**<br>**_____**<br>**А.М. Мирзаев**<br>**“Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ҳудудий бўлинмаси ” ННТси Директори** | **" Тасдиқлайман "**<br>**"___"_____2025**<br>**_____**<br>**Д.А. Кидирова**<br>**“Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ҳудудий бўлинмаси” ННТси Директори** | **" Келишилган "**<br>**"___"_____2025**<br>**_____**<br>**Ш.К. Абдираҳмонова**<br>**“Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси Тошкент вилояти бўлими” ННТинг Раиси** |

Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси Тошкент вилояти бўлими ва Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ҳудудий бўлинмаси ҳамда Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ҳудудий бўлинмаси билан биргаликда ҳамкорлик асосида "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг маҳаллий қарорларни қабул қилишда иштироки" лойиҳасини амалга оширмоқда.

Лойиҳа Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Швейцария Тараққиёт ва Ҳамкорлик Агентлиги орқали "Ўзбекистонда маҳаллий фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш" дастури доирасида молиялаштириш учун тасдиқланган.

Лойиҳа фаолияти икки йилга мўлжалланган бўлиб, ногиронлиги бўлган шахслар орасида ҳуқуқий саводхонлик ва фуқаролик фаоллигини ошириш, ҳуқуқий ва ижтимоий маслаҳатлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, уларнинг касбий таълими ва иш билан таъминланишини рағбатлантиришга қаратилган.

Лойиҳа давлат идоралари ва бизнес ҳамжамияти билан ижтимоий шериклик орқали амалга оширилади.

"Ногиронлиги бўлган шахсларнинг маҳаллий қарорларни қабул қилишда иштироки" лойиҳаси доирасида

**Телеграм ботининг ишлашини таъминлайдиган масофавий психолог маслаҳатчи функционал вазифалари.**

1. **Статус**

Телеграм ботининг ишлашини таъминлайдиган масофавий психолог маслаҳатчи - бу Телеграм боти орқали келиб тушган психологик саволларга маслаҳатлар бериш учун масъул бўлган лойиҳа ходими.

Телеграм ботининг ишлашини таъминлайдиган масофавий психолог маслаҳатчини жалб қилиш ва у билан шартномавий муносабатларни бекор қилиш тўғрисидаги қарор Лойиҳа менежери томонидан қабул қилинади.

2. **Телеграм ботининг ишлашини таъминлайдиган масофавий психолог маслаҳатчисининг компетенцияси**

    - Ногиронлиги бўлган шахслар ва уларнинг оила аъзоларига Телеграм боти орқали психологик хизматлар кўрсатиш;
    - Ёрдам сўраган мижозларнинг дастлабки стрессини йенгиллаштириш ва психо-емоционал ҳолатини нормаллаштириш.
    - Зарур бўлганда, ёрдам сўраган мижозларни адвокат ёки иш билан таъминлаш бўйича мутахассисга йўналтириш.
    - Зарур бўлганда, ёрдам сўраган мижозларни тегишли давлат хизматларига ёки бошқа ННТларга йўналтириш.

3. **Телеграм ботининг ишлашини таъминлайдиган масофавий психолог маслаҳатчисининг жавобгарлиги:**
   Телеграм ботининг ишлашини таъминлайдиган масофавий психолог маслаҳатчиси амалдаги фуқаролик қонунчилиги доирасида Лойиҳа менежери олдидаги ўз вазифаларини бажариш учун жавобгардир.
4. **Бажарилган иш учун тўлов**
   Телеграм ботининг ишлашини таъминлайдиган масофавий психолог маслаҳатчисининг хизматлари учун тўлов ҳар ойда тузилган шартнома асосида лойиҳа бюджетига мувофиқ белгиланган миқдорда амалга оширилади.

5. **Талаб қилинадиган малакалар:**

   - Психология еки якин сохасида олий ёки урта маълумот;
   - Фуқаролик жамияти, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ёки тегишли соҳаларда камида 3 йиллик иш тажрибаси;
   - Заиф гуруҳлар билан ишлаш тажрибаси афзаллик ҳисобланади;
   - Яхши ривожланган таҳлилий кўникмалар, ҳалоллик, виждонлилик, масъулият ва вақтида келиш.

"*Укидим ва розилигимни бердим*" _____
«___»_____2026